

## **“ШАРГУН КҮМИР” АЖ акциядорларининг 2021 йил 26 февралдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қароридан кўчирма**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик килувчи  
акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони:

**7 029 420 дона**

Шундан умумий йиғилишда Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийсининг 2021 йил **05 февралдаги 69/ЭГ-** сонли шартномасига асосан масофадан туриб электрон овоз бериш **“evote.uz”** тизими, ҳамда шахсан иштирок этиш учун ташриф буюрган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони:

**7 019 434 дона**

Саноқ комиссияси раиси А.Ж. Турсунов сўзга чиқиб, жамиятнинг умумий овоз берувчи акциялар сони **7 029 420 дона** эканлигини, шундан умумий йиғилишда қатнашиш учун **7 019 434 дона** акцияларнинг эгалари рўйхатдан ўтиб, ушбу йиғилишда иштирок этаётганлигини, бу акциялар умумий сонининг **99,86** фоизини ташкил этишини ва акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ваколатли деб топиш учун кворум мавжудлигини маълум қилди.

Амалдаги қонунчиликка ва жамият уставига мувофиқ кузатув кенгаши раиси **Х.А.Омонов** акциядорларнинг умумий йиғилишига раислик қилди.

Йиғилиш раиси Х.А.Омонов кворум мавжудлигини эътиборга олиб, акциядорларнинг умумий йиғилишини очиқ деб эълон қилди ва умумий йиғилиш раёсатига З кишини яъни, Х.А.Омонов, Х.Н.Абдуллаев, Ф.Р.Юсовларни сайлашни таклиф қилди.

Раёсат аъзолари бир овоздан тасдиқланди. Йиғилиш котиблигига **Х.А. Ташкулов** сайланди.

### **КУНТАРТИБИ:**

- 1. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.**
- 2. Саноқ комиссияси аъзоларининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.**
- 3. Кузатув кенгаши аъзосини сайлаш.**
- 4. Жамиятнинг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолиятини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ҳамда у билан шартнома тузишни тасдиқлаш.**
- 5. Корхона ва ташкилотлардан мавжуд бўлган муддати ўтган дебитор қарздорликларни жамият зарагига олиш тўғрисида.**

**Кун тартибидаги 1-масала бўйича,** Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартиби масофадан туриб электрон овоз бериш яъни **evote.uz** тизими ҳамда шахсан иштирок этиш орқали иштирок этган акциядорлар таништирилган ва акциядорлар умумий йиғилишининг қўйидаги регламентини тасдиқлаш учун овозга қўйилган:

Кун тартибидаги барча масалалар бўйича маъruzачига 2 дақиқа, қўшимча савол ва жавоблар учун 2 дақиқа.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдорлар – 7 019 434 та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар – йўқ.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги биринчи масала бўйича қўйидаги  
Қарор қабул қилинди :**

1. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартиби тасдиқлансин.
2. Сўзга чиққан маъruzачига 2 дақиқа, қўшимча савол ва жавоблар учун 2 дақика вақт берилиши тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги 2-масала бўйича,** жамият Кузатув кенгашининг 05.02.2021 йилдаги мажлисида акциядорларнинг умумий йиғилиши саноқ комиссияси таркибига А.Ж.Турсунов, Ф.Х.Тошев ва Ф.Абдурахмоновларнинг номзодлари тавсия этилганлигини ва акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги ушбу масалалар масофадан туриб электрон овоз бериш яъни **evote.uz** тизими орқали ҳамда шахсан иштирок этган акциядорлардан ушбу учта номзодлардан иборат саноқ комиссиясини сайлаш тўғрисида таклифни мақуллашди. Ушбу номзодларни тасдиқлаш учун овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдорлар – 7 019 434 та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар – йўқ.  
Қўпчилик овози билан қабул қилинди.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги иккинчи масала бўйича  
қўйидаги  
Қарор қабул қилинди :**

- 1.Акциядорларнинг умумий йиғилиши саноқ комиссияси А.Ж.Турсунов, Ф.Х.Тошев ва Ф.Абдурахмоновлардан иборат таркиби тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги 3-масала юзасидан,** Жамиятнинг 21 август 2020 йилда бўлиб ўтган Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши карорига асосан сайланган кузатув кенгаши таркибидаги “Ўзбекистон темир йўллари”АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси етакчи мутахассиси Джуманиязов Фаррух Алишерович бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан, жорий йилнинг 5 февралдаги №01/486-21-сонли “Ўзбекистон темир йўллари”АЖнинг хатида

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Одилов Фаррух Баходирович номзоди таклиф этилган.

Кун тартибидаги масала юзасидан акциядорлардан овоз беришлари сўралди.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги масала юзасидан масофадан туриб электрон овоз бериш яъни [evote.uz](http://evote.uz) тизими орқали ҳамда шахсан иштирок этган акциядорларнинг **Овоз бериш натижалари:**

Тарафдорлар – 7 019 434 та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар – йўқ.

Бир овоздан қабул қилинди.

### **Умумий йиғилиш кун тартибидаги учинчи масала бўйича қўйидаги Қарор қабул қилинди:**

1. Жамият кузатув кенгаши аъзоси Джуманиязов Фаррух Алишерович ўрнига Одилов Фаррух Баходирович номзоди жамият кузатув кенгаши таркибига сайланиши тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги 4-масала юзасидан:** Жамиятнинг 2020 йил молияхўжалик фаолиятини миллий стандартлари ҳамда ҳалқаро молиявий ҳисобот стандартларидан ўтказиш бўйича жорий йилда аудиторлик ташкилотлари ўртасида танлов эълон қилинган бўлиб, Аудиторлик ташкилотлари томонидан келиб тушган таклифлар бўйича қисқача маълумот бериб ўтилган. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 59-моддасига асосан, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доираси мажбурий аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш белгиланган.

Бугунги кунда жамиятимизга 2020 йил молиявий-хўжалик фаолиятини миллий ва ҳалқаро аудитор текширувидан ўтказиш учун иккита аудиторлик ташкилотидан тижорат таклифи жамиятга келиб тушган.

#### **Хусусан:**

1. “AFROSIYOB AUDIT STANDART” МЧЖ шаклидаги Аудиторлик ташкилоти томонидан жамиятимизга 2020 йил 29 декабрда келиб тушган тижорат таклифи бўйича яъни:

- аудиторлик фаолиятини миллий стандартлари асосида аудиторлик хизмати – хизмат хақи 10 000 000 (ўн миллион) сўм;
- аудиторлик фаолиятини ҳалқаро стандартлари асосида аудиторлик хизмати – хизмат хақи 20 000 000 (йигирма миллион) сўм;

- корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш хизмат хақи 4 000 000 (тўрт миллион) сўм;
  - самарадорликни мухим кўрсаткичлари хисоботини тузиш – хизмат хақи 8 000 000 (саккиз миллион) сўм;
- Жами 42 000 000 (қирқ икки миллион) сўм.

2. “BALANS INFORM AUDIT” МЧЖ Аудиторлик ташкилоти томонидан жамиятимизга 2021 йил 11 январда келиб тушган тиҷорат таклифи бўйича яъни:

- аудиторлик фаолиятини миллий стандартлари асосида аудиторлик хизмати – хизмат хақи 15 000 000 (ўн беш миллион) сўм;
- аудиторлик фаолиятини ҳалқаро стандартлари асосида аудиторлик хизмати – хизмат хақи 15 000 000 (ўн беш миллион) сўм;
- корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш хизмат хақи 3 000 000 (уч миллион) сўм;
- самарадорликни мухим кўрсаткичлари хисоботини тузиш – хизмат хақи 3 000 000 (уч миллион) сўм;

Жами 36 000 000 (ўттиз олти миллион) сўм.

Келиб тушган таклифлар шулар жумласидандир.

Жамиятимиз томонидан келиб тушган таклифлар бўйича ўрганиб чиқилганда ҳамда 2020 йил молиявий-хўжалик фаолиятини миллий ва ҳалқаро аудитор текширувидан ўтказиш учун “AFROSIYOB AUDIT STANDART” МЧЖ Аудиторлик ташкилоти билан қонунчиликда белгиланган тартибда шартнома имзолаш ҳамда тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш бўйича йиғилиш иштирокчиларидан сўради.

Кун тартибидаги масала юзасидан акциядорлардан овоз беришлари сўралди.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги масала юзасидан масофадан туриб электрон овоз бериш яъни [evote.uz](http://evote.uz) тизими орқали ҳамда шахсан иштирок этган акциядорларнинг **Овоз бериш натижалари**:

Тарафдорлар – **7 019 434** та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар – йўқ.  
Бир овоздан қабул қилинди.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича қўйидаги Қарор қабул қилинди:**

1. Жамиятнинг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолиятини миллий ва ҳалкаро аудитор текширувидан ўтказиш учун “AFROSIYOB AUDIT STANDART”МЧЖ Аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унинг билан қонунчиликда белгиланган тартибда шартнома имзолаш ҳамда хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп микдорини 42 000 000 (кирқ икки миллион) сўмгача белгилансин.
2. Аудиторлик ташкилоти томонидан нотўғри хулоса бериш натижасида жамиятга етказилган зарарни тўлик қоплаб бериш шарти билан белгиланган тартибда шартнома имзолансин.

**Кун тартибидаги 5-масала юзасидан:** Жамият бошқаруви йиғилишининг 29.01.2021 йилдаги №16-сонли мажлис баёнида 2021 йил 1 январ ҳолатига корхона ва ташкилотларнинг жамиятдан дебитор қарздорлиги 226 701 003,25 сўмни ташкил қилиши, бугунги кунда ушбу қарздорликларни ундиришнинг имконияти мавжуд эмаслиги, бунга сабаб Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 150-моддаси талабига мувофиқ умумий даъво қилиш муддати 3 йил бўлиб, 3 йилдан кейинги қарздорликларни ундириш суд томонидан ҳамда жавобгар корхоналар томонидан рад этилаётганлигини инобатга олган ҳолда, юқоридаги дебиторлик қарздорликларни кузатув кенгаши йиғилишида кўриб чиқиб корхона ва ташкилотлардан мавжуд бўлган 226 701 003,25 сўм микдордаги дебиторлик қарздорликларни ҳисобдан чиқариш бўйича қисқача тўхталиб ўтган.

Жорий йилнинг 5 февраляда жамият кузатув кенгаши мажлисида ушбу масала атрофлича ўрганиб чиқилиб, корхона ва ташкилотлардан мавжуд бўлган 226 701 003,25 сўм микдордаги дебиторлик қарздорликлардан 78 975 999 сўмлик микдордаги дебиторлик қарздорликларни жамият зарарига олишни белгиланган тартибда акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилиши бўйича қарор қабул қилинган.

Корхона ва ташкилотлар рўйхати илова қилинади.

Кун тартибидаги масала юзасидан акциядорлардан овоз беришлари сўралди.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги масала юзасидан масофадан туриб электрон овоз бериш яъни [evote.uz](http://evote.uz) тизими орқали ҳамда шахсан иштирок этган акциядорларнинг **Овоз бериш натижалари:**

Тарафдорлар – **7 019 434 та** овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар – йўқ.

Бир овоздан қабул қилинди.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги бешинчи масала бўйича қўйидаги  
Қарор қабул қилинди:**

## **Жамият ижроия органига:**

1. Корхона ва ташкилотлардан мавжуд бўлган муддати ўтган дебиторлик қарздорликларни иловага мувофиқ жамият заарига олишни қонунчиликда белгиланган тартибда рухсат берилсин.
2. Юқоридаги ҳолатлар такорланмаслиги учун дебитор қарздорликларни ўз вактида қонунчиликда белгиланган тартибда бартараф этиб бориш юклатилсин.